



بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

أَلْحَمْدُ لِلَّهِ الَّذِي جَعَلَ النِّسَاءَ شَقَائِقَ الرِّجَالِ، وَأَكْرَمَهُنَّ أَفْضَلَ الْإِكْرَامِ فِي الْحَالِ وَالْمَالِ، وَصَلَّى اللَّهُ وَسَلَّمْ عَلَيَّ مُحَمَّدٍ وَعَلَى آلِهِ وَأَصْحَابِهِ ذَوِي الْفَضْلِ وَالْإِجْلَالِ، أَمَّا بَعْدُ.

ИСЛОМДА АЁЛЛАРГА МУНОСАБАТ

Мухтарам азизлар! Халқимиз, миллатимизга оид қайси манбаа, қайси қўлёзмага мурожаат этманг она – аёл шу оиланинг муқаддаслигини таъминловчи, оиланинг ахлоқий ва руҳий муҳитини яратувчи мўътабар инсон сифатида таърифланади. Қуръони каримда, ҳадиси шарифда аёлларни, хусусан, онани улуғлаш кераклиги ҳақида кўплаб ибратли кўрсатмалар бор. Аллоҳ марҳамати билан ҳомилани юраги остида кўтариш, туғиш, дунёга келган инсонга биринчи ризқни бериш – эмизиш, уни тарбиялаш, вояга етказиш ва элга қўшишда оналарнинг меҳнат ва захмати бениҳоядир. Она – оиланинг устуниси. Онанинг фарзандини ўстириб, вояга етказиш йўлида чеккан риёзати ҳаққини адо этиши учун ҳар қандай ранжу меҳнат камлик қилади. Ҳазрат Навоий оналар мадҳини ушбу байтга жамлаб бундай деганлар:

**Оналарнинг оёғи остидадир,
Равзаи жаннату боғи.**

Маълумки, Ислום келишидан олдин жоҳилият даврида аёлларнинг деярли ҳуқуқлари бўлмаган. Улар нафақат меросдан маҳрум қилинган, балки ўзлари бир буюм сифатида меросхўрлар ўртасида тақсимланган. Инсониятни залолатдан ҳидоятга олиб чиққан Ислום динимиз, бу масалага барҳам бериб, аёлларга ҳам эркаклар сингари ҳуқуқлар берди ва аёлларга чиройли муомала қилишга буюрди. Жумладан, Аллоҳ таоло Қуръони каримда шундай марҳамат қилган:

وَعَاشِرُوهُنَّ بِالْمَعْرُوفِ فَإِنْ كَرِهْتُمُوهُنَّ فَعَسَى أَنْ تَكْرَهُوا شَيْئًا وَيَجْعَلَ اللَّهُ فِيهِ خَيْرًا كَثِيرًا

яъни: **Улар билан тотув турмуш кечирингиз. Агар уларни ёмон кўрсаларингиз, (билиб қўйингки,) балким сизлар ёмон кўрган нарсада Аллоҳ (сизлар учун) кўпгина яхшилик пайдо қилиши мумкин”** (Нисо сураси, 19-оят).

Дарҳақиқат, Ислום дини ўз аёлларига нисбатан яхши муносабатда бўлган эркакларни инсонларнинг энг яхшилари қаторига қўшади. Бу ҳақда Расулulloҳ саллалллоҳу алайҳи васаллам шундай дейдилар:

أَكْمَلُ الْمُؤْمِنِينَ إِيمَانًا أَحْسَنُهُمْ خُلُقًا، وَخِيَارَكُمْ خِيَارَكُمْ لِنِسَائِهِمْ" (رواه الإمام الترمذي عن أبي هريرة رضي الله عنه)

яъни: **“Мўминларни имон жиҳатидан комилроғи хулқи яхшироғидир. Сизларнинг энг яхшиларингиз – аҳли аёлига яхшилик қиладиганингиздир”** (Имом Термизий ривояти).

Шуни таъкидлаш керакки, аёл киши таом, ичимлик, либос ва шу каби бошқа моддий нарсаларга эҳтиёжманд бўлгани сингари, ширин сўзга, чиройли табассумга, гўзал муомалага ва меҳрга муҳтождир. У қалбини завқлантирадиган, ғамни

кетказиб, ҳаётни саодатли қиладиган ёқимли ҳазил-мутойибага ҳам баъзи моддий таъминотлардан кўра кўпроқ эҳтиёж сезади.

Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларига гўзал муносабат ва самимий муомалада бўлганлар. Демак, ҳар бир эр аёли билан бўладиган муносабатларда Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламни ўзига намуна қилиб олмоғи зарурдир.

Аммо афсуски, бугуни кунда ижтимоий тармоқларда аёлини хўрлаган, унга зулм қилиб кўл кўтарган ёки аҳли оиласини қийнаб, нафақасини адо этмаётган эркаклар ҳақида хабар топиб турибмиз.

Динимиз таълимотларида аёлни калтаклаш, юзига уриш, уларга жароҳат етказишга эрнинг асло ҳаққи йўқ. Бу билан киши қаттиқ гуноҳкор бўлади. Чунки Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларни уришдан қайтариб бундай деганлар:

"لَا تَضْرِبُوا إِمَاءَ اللَّهِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ أَبِي دُبَابٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ)

яъни: **“Аллоҳнинг чўриларини (яъни, аёлларни) урманглар!”** (Имом Абу довуд ривоятлари).

Холбуки, пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васаллам аёлларга нисбатан яхши муносабатда бўлишни қайта-қайта васият қилдилар. Демак, умматликни даъво қилган ҳар бир оила раҳбари ўз аёли билан муомала ва муносабатда Пайғамбаримиз алайҳиссаломни ўзига намуна ва ўрнак қилиши лозим бўлади.

Аёл ила гўзал муомала қилиш, унга нисбатан ҳусни хулқда бўлиш, ундан етган озорни кўтариш эркакнинг зиммасидаги мажбуриятлардандир. Бу ҳақда Имом Ғаззолий раҳматуллоҳи алайҳ шундай деганлар:

وَاعْلَمَ أَنَّهُ لَيْسَ حُسْنُ الْخُلُقِ مَعَهَا كَفُ الْأَذَى عَنْهَا، بَلْ إِحْتِمَالُ الْأَذَى مِنْهَا

яъни: **“Билгинки, аёлингга озор беришдан тийилишинг ҳусни хулқ эмас. Балки, ундан етадиган озорни кўтаришинг ҳусни хулқдир”**.

Ҳаким ибн Муовия разияллоҳу анҳу Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламга “Эй Аллоҳнинг Расули, бизда хотинларимизнинг нима ҳақи бор?” деб сўраганларида, У зот шундай дедилар:

"أَنْ تُطْعِمَهَا إِذَا طَعِمْتَ وَتَكْسُوَهَا إِذَا اكْتَسَبْتَ أَوْ اكْتَسَبْتَ، وَلَا تَضْرِبَ الْوَجْهَ وَلَا تُفَبِّحَ

وَلَا تَهْجُرْ إِلَّا فِي الْبَيْتِ" (رَوَاهُ الْإِمَامُ أَبُو دَاوُدَ).

яъни: **“Қачон таомлансанг, уни ҳам таомлантирасан. Қачон кийим кийсанг, уни ҳам кийинтирасан. Юзига урмайсан, ҳақоратламайсан ва бир хонадан бошқа жойда ётогингни алоҳида қилмайсан”** (Имом Абу Довуд ривоятлари).

Демак, хотиннинг эрдаги ҳақларидан бири – эр ўзининг иқтисодий имкониятига қараб, хотинини озиқ-овқат билан таъминлаб боришидир. Афсуски, баъзи эрлар улфатлари билан кўча-кўйда яхши ва сара таомларни еб юрадида, уйдаги аёли ва бола-чақаси эса зўрға тирикчилигини ўтказади. Бундай қилиш оилага зулм ҳисобланиб, фарзандлар ҳаққига хиёнат бўлади.

Минг афсуски, баъзи мусулмон эркаклар уйда ўтириб, аёлини пул топишга мажбурлаётгани, яна айрим эркаклар хотинини нафақа билан таъминламаётгани етмагандек, “Сен ҳам пул топсанг нима бўлади?”, деб маломат қилаётганини эшитиб қоламиз. Баъзи эрлар эса ўзга юртларга кетиб, узок вақт қарамоғидагиларнинг нафақаси ва таъминотидан хабар ҳам олмай қўймоқда. Бу ҳам бўлса, катта зулм ва гуноҳкорликдир.

Ҳозирги кунда шариатдан беҳабар баъзи эрлар аёллари билан муносабатлари бузилса, “Мен энди аёлим билан яшамайман, уни нафақа билан ҳам таъминламайман, талоғини ҳам бермайман”, дейди. Бунда аёл на оилали бўлмай, на эридан ажрала олмай, йиллаб аросатда қолиб кетмоқда. Бу ҳақда Аллоҳ таоло “Бақара” сурасида шундай деган:

...وَلَا تَمْسِكُوهُمْ ضِرَارًا لِّتَعْتَدُوا وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ فَقَدْ ظَلَمَ نَفْسَهُ وَلَا تَتَّخِذُوا آيَاتِ اللَّهِ هُزُوًا...

яъни: “...Уларга зулм қилиб, зарарлантириш ниятида ушлаб турманг! Ким шундай қилса, демак, ўзига зулм қилибди. Аллоҳнинг оятларини ҳазил билмангиз!...” (Бақара сураси, 231-оят).

Аёлларга бундай зулм қилиш шариатимизнинг барча кўрсатмаларига зиддир.

Хулоса қилиб айтамикки, динимизда аёлларни қадрлаш, уларни асраб-авайлаш қаттиқ тарғиб қилинган амалдир. Чунки улар – оналаримиз, жуфтларимиз ва сингилларимиздир. Қадимдан Ислом динига амал қилиб келган халқимизнинг миллий қадриятларида аёл зоти эъзозланади.

Давлатимиз томонидан ҳам аёлларга алоҳида ҳурмат-эътибор кўрсатилиб, уларни ҳар жиҳатдан ҳимоя қилиб келинмоқда. Юртимизда аёлларнинг ўзларига яраша, жисмоний салоҳиятига мос равишда меҳнат ва касб хунарлар билан шуғулланишлари учун барча шароитлар мавжуд.

Мухтарам жамоа! Маърузамизнинг давомида аёлларнинг намоз ўқишидаги эркаклардан баъзи фарқлари ҳақида суҳбатлашамиз.

Ҳанафий мазҳабимизнинг мўътабар китобларида эркак ва аёлларнинг намозлари ўртасида фарқ борлиги баён қилинган. Қуйида аёлларга хос бўлган намоздаги ҳолатларни санаб ўтамиз:

➤ “Аллоҳу акбар” деб намозга кириш пайтида аёллар қўлларини елка баробари миқдорича кўтаради;

➤ Қўл боғлашда аёллар икки қўлларини кўкракларини устига қўядилар;

➤ Рукуъ пайтида қўл бармоқлари ёйилмайди балки, жипс ҳолда бўлади;

➤ Икки тирсаклари билан қимтиниб, уларни биқинларига теккизиб туради, тиззалари биров букилади, эркакларга ўхшаб беллари билан бошлари тўғри бўлмайди, балки рукуъ деса бўладиган даражада эгиладилар;

➤ Саждага борганларида ҳам қимтинган ҳолларида қоринларини икки сонларига тегадиган қилиб сажда қиладилар;

➤ Ўтириш пайтида яъни қаъдада аёллар икки оёқларини ўнг томонга чиқариб, чап тарафга мойил бўлиб ўтирадилар;

➤ Саждада аёллар билакларини ерга теккизиб, қимтиниб турадилар;

➤ Бирор намозни овоз чиқариб ўқимайдилар (Манба: “Мухтасарул виқоя” ва “Фатовой Ҳиндийя” китоблари).

Аллоҳ таоло барчамизга шариатимиз кўрсатганидек, аёлларимизга ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш ва чиройли муомала қилиш бахтини насиб қилсин! Омин!

(Мухтарам имом-хатиб! Маъруза сўнгида жамоавий ибодатларни адо этишда карантин қоидаларига амал қилиш, хусусан ижтимоий масофалани сақлаш, тиббиёт ниқобларини тақийш масаласини жамоатга эслатиб қўйинг!)